

ҲАВО ТРАНСПОРТИ ОБЪЕКТЛАРИДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ: ТЕХНОЛОГИК ИННОВАЦИЯЛАР ВА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мавлонов Авазхон Усубхужаевич

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги

университети мустакил изланувчиши

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15647605>

Аннотация. Мазкур мақолада ҳаво транспорти объектларида жиноятчиликка қарши курашишда тезкор-қидирув чора-тадбирларининг амалий аҳамияти, ҳуқуқий мақоми ва тизимли ташкил этилишини таҳлил қилинган. Муаллиф тезкор маълумотларнинг “муқобил далиллар” сифатидаги ҳуқуқий асосларини, уларни фоши этишдаги ва процессуал фаолиятдаги ўрнини ёритиб беради. Шунингдек, агенттура фаолияти, видеокузатув, техник воситалардан фойдаланиши ва идоралараро ҳамкорлик каби омиллар жиноятларни аниқлаши ва олдини олишида ҳал қилувчи восита сифатида намоён этилади.

Калим сўзлар: тезкор-қидирув, ҳаво транспорти, жиноятчилик, видеокузатув, муқобил далил, хавфсизлик, профилактика

ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНЫЕ МЕРОПРИЯТИЯ НА ОБЪЕКТАХ ВОЗДУШНОГО ТРАНСПОРТА: ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ИННОВАЦИИ И ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ

Аннотация: В статье рассматривается практическое значение, правовой статус и организационные основы оперативно-розыскных мероприятий на объектах воздушного транспорта. Автор освещает правовую природу “альтернативных доказательств” и их роль в раскрытии преступлений и осуществлении уголовно-процессуальной деятельности. Особое внимание уделено агентурной работе, системам видеонаблюдения, техническим средствам и межведомственному взаимодействию как ключевым инструментам в выявлении и предотвращении преступлений.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, воздушный транспорт, преступность, видеонаблюдение, альтернативные доказательства, безопасность, профилактика.

OPERATIONAL-SEARCH MEASURES AT AIR TRANSPORT FACILITIES: TECHNOLOGICAL INNOVATIONS AND WAYS TO IMPROVE EFFICIENCY

Abstract: This article explores the practical significance, legal framework, and systemic organization of operational-search measures at air transport facilities. The author highlights the legal status of “alternative evidence” and its role in crime detection and procedural practice. Special emphasis is placed on informant operations, video surveillance, technical tools, and interagency cooperation as decisive mechanisms for identifying and preventing crimes.

Keywords: operational-search activity, air transport, crime, video surveillance, alternative evidence, security, prevention.

Бугунги кунда транспортдаги ички ишлар органлари — бу юқори даражада ташкил этилган, мустакил равишда фаолият юритувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими бўлиб, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликнинг барча турлари ва кўринишларига, жумладан уюшган, трансчегаравий ва трансмиллий жиноятчиликка қарши самарали курашиш вазифаларини муваффақиятли бажариш қобилиятига эга.

Жиноят-процессуал ҳуқуқ илмида эса, тезкор аҳамиятга эга бўлган маълумотларни

яширин усулларда олиш, бу маълумотларнинг “қонунийлаштириш” усуллари ҳамда уни терговнинг дастлабки босқичида қонуний тарзда қўллаш муаммоси асосий ўрин эгаллади. Ушбу муаммо айниқса шахсга қарши содир этилган ва ноаниқ шароитларда амалга оширилган жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш жараёнларида долзарб аҳамият касб этади. Бу, аввало, жиноят содир этилган шарт-шароитларнинг ўзига хослиги билан боғлиқ бўлиб, улар қўйидаги ҳолатларда намоён бўлади: терговнинг бошланғич босқичида жиноий ҳаракатни аниқ ва тўғри квалификация қилиш имкониятининг йўқлиги, жиноятни содир этган шахс ҳақида маълумотларнинг мавжуд эмаслиги, воқеа гувоҳларининг йўқлиги ёки уларнинг кўрсатма беришдан бош тортган ҳолатлари ва бошқалар.

Аҳборотни дастлабки босқичда олиш ва ундан оқилона фойдаланиш масаласи транспортда содир этиладиган жиноятларга қарши курашда алоҳида долзарблик касб этади. Бу йўналишда Р.С.Рыжов томонидан илгари сурилган “тезкор-қидирув фаолияти натижалари маҳсус мақомга эга бўлиши керак”[1] деган илмий холосаси назарий-назарий эмас, балки амалиёт учун устувор аҳамиятга эгадир. Ушбу мақом, муаллиф таъбирича, “муқобил далиллар” деб шартли равишда номланиб, суд-тергов фаолиятидаги классик далиллар тизимини самарали тўлдирувчи восита сифатида қаралиши мумкин.

Транспорт соҳасида содир этиладиган жиноятлар – айниқса, ўғирлик, контрабанда, хужжатларни қалбакилаштириш, юкларнинг ноконуний ҳаракати, техник ускуналарга шикаст етказиш каби ҳолатлар – кўп ҳолларда яширин, тезкор ва мураккаб механизмлар орқали амалга оширилади. Бундай жиноятларнинг фош этилишидаги асосий тўсиқлардан бири — унинг ноаниқ шарт-шароитларда содир этилиши, гувоҳлар етишмаслиги ва жиноятчиларнинг уюшган тарзда ҳаракат қилишидир. Шу нуқтаи назардан қаралганда, тезкор тадбирлар орқали олинадиган маълумотлар (маҳфий кузатув, аудио-видео ёзувлар, агентура хабарлари, хизмат хulosалари ва ҳ.к.) жиноятни фош этишнинг деярли ягона воситасига айланади.

Р.С.Рыжов таъкидлаган “муқобил далиллар” концепцияси айнан шундай ҳолатларда алоҳида аҳамият касб этади. Агар ушбу маълумотлар тегишли верификация босқичидан ўтказилса, улар нафақат жиноят фактини фош этишда, балки айбдор шахсни аниқлаш ва айбни исботлашда ҳам ишончли манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу жиҳатдан, транспортдаги тезкор-қидирув тадбирларида олинадиган маълумотларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш, уларни процессуал исботлаш воситаси сифатида қонунийлаштириш ва уларнинг юридик қучини аниқлаш амалиётда жуда муҳимdir.

Шунингдек, Д.И.Кленов томонидан илгари сурилган ва асосланган позиция ҳам алоҳида эътиборга лойикдир. Унинг фикрича, тезкор-қидирув фаолияти натижалари бир қатор муҳим йўналишларда қўлланилиши мумкин. Аввало, улар жиноят ишини юритиш жараёнида далил сифатида фойдаланилиши мумкин. Бундан ташқари, тезкор маълумотлар жиноий иш қўзғатиш учун асос сифатида ҳам хизмат қила олади. Шунингдек, бу маълумотлар терговчи, суриштирувчи ёки прокурор томонидан процессуал қарорлар қабул қилишда йўналтирувчи ахборот манбайи сифатида қўлланилиши мумкин. Ушбу маълумотлар, шу билан бирга, тергов олиб борилаётган жиноят ишини тезкор тарзда ҳамроҳлик қилиш зарурияти ҳақида қарор қабул қилиш учун ҳам хизмат қиласди. Нихоят, Д.И.Кленов таъкидлаганидек, тезкор-қидирув натижалари жиноят-процессуал фаолият иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳам қўлланилиши мумкин[2].

Бундай ёндашув тезкор маълумотларнинг муҳим ва кўп қиррали аҳамиятини яққол намоён этади, унинг фақат фош этиш воситаси эмас, балки процессуал адолат ва ҳуқуқий

кафолатлар тизимидағи ҳал қилувчи элемент сифатидаги ўрнини белгилайди.

А.Л.Аганесян тезкор-қиди्रув фаолияти (ТҚФ) натижаларидан фойдаланишнинг бир қатор йўналишларини ажратиб кўрсатади. Унинг таъкидлашича, биринчи навбатда, ТҚФ натижалари Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 140-моддасига мувофиқ жиноят ишини қўзгатиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Иккинчидан, агар қонун тегишли процессуал қарор қабул қилиш учун далилларнинг мавжудлигини талаб қилмаса, мазкур маълумотлар тергов ҳаракатларини тайёрлаш ва ўтказишида йўналтирувчи ахборот сифатида фойдаланилиши мумкин. Учинчидан, ТҚФ натижалари белгиланган тартибда процессуал расмийлаштирилгандан сўнг, жиноят ишини юритишида далил сифатида кўлланилиши мумкин.

Шунингдек, А.Л.Аганесян ТҚФ натижаларидан фойдаланишнинг қўшимча йўналишларини ҳам қайд этади. Жумладан, улар текширилаётган шахсларни маълум турдаги ишларни бажаришга ёки маълумотлар билан ишлашга рухсат бериш ёки тақиқлаш ҳақида қарор қабул қилиш учун, ҳуқуқбузарлик содир этишда гумон қилинаётган шахслар бўйича тезкор текширув ўтказиш ва уларни таҳлил қилиш учун, жиноят-процессуал оқибатларга олиб келувчи турли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ тезкор-қиди्रув тадбирларини амалга ошириш заруриятини асослаш учун ҳам кўлланилиши мумкин. Шу билан бирга, ТҚФ натижалари миллий ва минтақавий даражада жиноятчилик элементлари ва унинг тузилмасига оид ахборот базаларини бойитиш учун ҳам хизмат қилади.

А.Л. Аганесяннинг бу қарашлари ТҚФ натижаларининг нафақат жиноий ишларни олиб боришида, балки давлат хавфсизлиги, ҳуқуқий тартиб ва жиноятчиликка қарши курашнинг умуммиллий тизимини шакллантиришдаги кенг қамровли аҳамиятини очиб беради[3].

Аэропортларда текширув жараёни бевосита хавфсизликни таъминлашга хизмат қилувчи механизм сифатида турли ташкилотлар — аэропортнинг ташиш хизмати, чегара ва божхона органлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Айниқса кичик аэропортларда маҳсус текширув пунктлари фаолият юритади. Агар йўловчилар томонидан қоидалар бузилиши ҳақидаги ахборот келиб тушса, мазкур жараёнга ички ишлар органлари ходимлари ҳам жалб этилиши мумкин.

Текширувнинг асосий мақсади — хавфли шахсларни, яъни қурол, портловчи моддалар ёки бошқа таҳдид солувчи ашёларни олиб кириш эҳтимоли бўлганларнинг самолёт бортига чиқишига йўл қўймасликдан иборат. Бу орқали нафақат парвоз вақтидаги хавфсизлик таъминланади, балки учувчилар ва йўловчиларнинг ҳаётини хавфга қўйиши мумкин бўлган можароли вазиятларнинг олдини олишга ҳам эришилади. Ҳозирги замон авиациясида текширув – терроризм, самолётларни қўлга олиш ва бошқа фавқулодда ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

О.П.Грибунов таъкидлаганидек, авиация соҳасида жиноятларни фош этиш ва уларнинг олдини олишда бир қатор хусусий ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларни амалий фаолиятга татбиқ этиш самарадорликни кескин оширади. Биринчидан, видеокузатув тизимларидан самарали фойдаланиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Аэропортнинг ички қисмларида, учиш-қўниш йўлакларида, перронларда ва кутув залларида ўрнатилган қузатув камералари доимий равишда навбатхонага уланган ҳолда фаолият юритиши керак. Бу тизим нафақат жиноят содир этилганидан сўнг далил йиғишида, балки жиноятнинг олдини олишда, гумонли шахсларни барвақт аниқлашда ҳам фаол восита бўлади.

Иккинчидан, жиноятчиликка қарши самарали курашда идоралараро ҳамкорлик устувор аҳамият касб этади. Бу ҳамкорлик, аввало, транспортдаги ички ишлар органлари, Россия Федерацияси Транспорт вазирлиги ва авиакомпаниялар ўртасидаги муваффақиятли ҳамкорлик орқали амалга оширилади. Ҳамкорликнинг асосий мақсади — фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, авиация инфратузилмасини ноқонуний аралашувлардан ҳимоя қилиш ҳамда жамоат тартибини сақлашdir.

Учинчидан, аэропортларда овозли хабар бериш воситаларидан фойдаланиш орқали йўловчиларни хушёрликка ундаш ва жамоавий жавобгарликни шакллантириш мумкин. Бу воситалар орқали йўловчиларга хавфсизлик қоидалари, шубҳали ҳолатлар ҳақида ахборот бериш, ёрдам сўраш ёки хабар қилиш заруратидаги йўл-йўриқларни етказиш мумкин.

Тўртинчидан, янги технологиялар ва техник хавфсизлик воситаларини жорий этиш ҳозирги авиация хавфсизлиги сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири саналади. Масалан, айrim аэропортларда аллақачон иссиқликни аниқловчи тепловизион комплекслар, масофадан туриб киришни назорат қилувчи тизимлар, ҳамда тижорат ҳолатини кузатувчи мониторинг ускуналари татбиқ қилинган.

Нихоят, давлат мулкини ташиш билан боғлиқ юк ташиш соҳасидаги жиноятларга қарши курашишга ихтисослашган маҳсус бўлинмалар фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу бўлинмалар авиация логистикасининг заиф нукталарини қамраб олади ва юкларга нисбатан қилинган жиноий тажовузларни фош этишда ихтисослашган тезкор чора-тадбирларни амалга оширадилар[4].

О.П.Грибунов томонидан таърифланган ёндашувлар авиация соҳасидаги жиноятчиликка қарши самарали курашишда ҳамда умумий хавфсизликни таъминлашда замонавий, комплекс ва кўп даражали тизим шакллантириш зарурлигини асослаб беради. Бу ёндашув нафақат тезкор фаолият самарадорлигини оширади, балки авиация тармоғининг барқарор ва хавфсиз фаолият юритишига ҳам хизмат қиласди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳаво транспорти обьектларида содир этиладиган жиноятларга қарши курашишда тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратишимиз мумикн:

Биринчидан, бу жиноятларга қарши тезкор тадбирлар фақат аэропорт ҳудудида эмас, аэропортгача бўлган логистик занжир бўйлаб олиб борилиши лозим. Масалан, юкни ташишда иштирок этувчи шахслар, такси ҳайдовчилари, хавфсизлик хизмати ходимлари, логистика компаниялари орқали жиноят ҳаракатлари амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун, бу тадбирларда ички ишлар органлари билан бир қаторда, иқтисодий жиноятларга қарши кураш бошқармалари ҳам жалб қилинади.

Иккинчидан, профилактик характеристига эга тадбирларнинг алоҳида аҳамияти бор. Ҳозирги кунда ИИВ Транспортда хавфсизлик бошқармаси томонидан ҳар чоракда “назорат текширувлари”, “таҳлилчи кузатувчилар” ва “тезкор машқлар” ўтказилиши йўлга қўйилган. Бу тадбирлар орқали хавфли шахслар аниқланади, таҳдид даражаси баҳоланади ва таҳлиллар асосида иш режалари қайта кўриб чиқилади.

Тезкор тадбирларда Ўзбекистон амалиётидаги яна бир муҳим ўзига хослик — бу айrim жиноятларда хизматчилар иштирокининг юқорилиги. Юқори лавозимли шахслар ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан содир этилаётган жиноятлар (масалан, “қалбаки миграция хужжатларини расмийлаштириш”, “манфаатдор шахсларни аэропорт орқали ноқонуний ўтказиш” каби) — тезкор тадбирларнинг оғир йўналишларидан биридир. Бундай ҳолатларда “ички агентлар” (қонуний асосда иш юритадиган ишончли

шахслар) орқали маълумот йиғиш, шахслар ўртасидаги алоқаларни кузатиш ва ускуналар ёрдамида яширин кузатув ўрнатиш амалиёти йўлга қўйилган[5].

REFERENCES

1. Рыжов Р.С. Использование результатов тезкорно-розыскной деятельности в уголовном процессе как правовой институт: дисс. ... канд. юрид. наук. — Н. Новгород, 2004.
2. Кленов Д.И. Процессуальный порядок использования результатов тезкорно-розыскной деятельности в доказывании на досудебных стадиях производства по уголовным делам: автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. — Ижевск, 2005.
3. Аганесян А.Л. Теоретические и правовые основы использования результатов оперативно-розыскной деятельности при расследовании преступлений: дисс. ... канд. юрид. наук. — Владимир, 2005
4. Грибунов, О. П. К вопросу о противодействии преступлениям, совершающим на объектах транспорта / О. П. Грибунов // Правопорядок на транспорте. – 2012. – № 1. – С. 18–21.
5. Прокуратура органларининг хавфли жиноятларга оид ички ҳисоботлари, 2022.